

ПРЕЗИДЕНТ - ВАТАН ТИМСОЛИ

УЛУҒ ИШГА

ЖОНИНИ ТИККАН

Эл севган раҳбар И. А. Каримовнинг эл саломати, баҳоси йўл ишларидаги буюк мустақиллик учун курашлари. Ўзбекистон мустақил республика (давлат) сифатида эълон қилинганлигининг қувончи, аҳамиятини сўз билан ифода қилиш қийин. Худди шу тарихий воқеа Президентимиз обрў-эътиборини халқ ўртасида осмон қадар кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида таъкидланганидек, у киши бу кутлуг ишга жонини тиккан. Мақсадга эришиш йўлида кутилмаган тўсиқлар, машаққатларга, синовларга дуч келишни иштираётгани йўқ.

Биз Ислон Абдуғаниевични омилдор, қатъият раҳбар, зўр иқтисодчи сифатида чуқур ҳурмат қиламиз. Шу туфайли Ўзбекистон иқтисодий мустақиллик сари дадил одам ташлаётди. Бу мамлакатнинг ташқи қарзини тўлаш борасида қатъий мақсад турганлигида ўз ифодасини топти. Баъзи кишилар: ҳамма республикалар бу қарзларини тўлашга рози бўлишди. Ўзбекистон эса бундан тийилиб турибди, деб нолишмоқда. Ваҳоланки, Президентимиз етук иқтисодчи сифатида ўз нуқтан назари ни ҳимоя қилаётди: Ўзбекистон қарзини тўлашга рози, лекин аввал ким-кимдан қарздорлигини ойдинлаштириб олиш керак...

Ҳа, ҳаёти мазмунини, қувончинини халқнинг бахт-саодатида кўраётган И. А. Каримов Президент этиб сайланса, айни мудабо бўлади.

И. МИРАХМЕДОВ,
Жарқўрғон районидagi «Сурхон»
давлат хўжалиги бош иқтисодчиси.

ЭЛИНИ ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

ЯҚИНДА ҳаётимда қувончли воқеа содир бўлди. Янги аяналарнинг жорий этилиши, ёшларни тарбиялаш борасидаги камтарини хизматлари учун «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлдим. Очиги маҳалла қўмитаси раиси шунчалик қадр топади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Жумхуриятимиз раҳбарига, мустақил хосиятига қуллук. Умрим одамлар орасида ўтади. Омма кайфияти, орзу иштишлари ҳусусида аниқ тушунишга эгаман. Хусусан Янги Тошкент маҳалла ахли Ислон Каримовдан миннатдор. Отаҳонларимиз улуг'этини дуо қилишган қилишган. Сабаби, жонкуяр

раҳбар халқ ишига астойдил бел болаган. Мард мақсад сари дадил интилади. Эслайлик, бир вақтлар партия аъзолари энг яқин кишиларининг жаназасида қатнашмай қолдилар. Ахир у қандай ҳаёт, не қўрулик. Ҳаммаси юрт раҳбарларининг қўрқоқлиги, бирёқлама иш юритиши, одамлар фикри билан ҳисоблашмаслиги оқибати эди.

Бахтимизга Ислон Каримовни худонинг ўзи етказди. Биламиз, Президентимизга қийин. Муаммолар қалашиб кетган бир даврда жумхуриятини бошқариш осон эмас. Лекин Ислон Абдуғаниевич билимига, тажрибасига, халқига суянамоқда. Уни асло ёлғизлаштиб

қўймайлик, асрайлик, қадрига етайлик. Муболагасиз айтганда серқуёш дийвонлардаги барча ўзгаришлар унинг номи билан боғлиқ. Наврўз шод-хуррамлик байрамга айланди. Мусулмон дунёсига йўл очилди. Рамазон ва қўрбон ҳайитлари биринчи марта расман тан олинди. Бир пайтлар ўз халқни, миллини тақдирини ўйлагани учун қатъон қилинган улуг' сиймолар номлари тикланди. Ўзбек тили давлат тили бўлди. Булар кичкина ўзгаришлар эмас...

Р. АХМЕДОВ,
Собир Раҳимов районидagi Янги Тошкент маҳалла қўмитаси раиси.

миллион 200 минг тоннага камайтирилди. Янги бот-роғлар бунёд этилди. Қишлоқ меҳнатқиллари томорқали бўлганликлари узи катта воқеа.

Ўзбекистон РСФСР, Украина, Беларусь, Озарбайжон республикалари билан ўзаро алоқаларини мустақамлаб бораётганлиги барчамизни қувонтирляпти. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳаётини зарурат. Дастлабки хайрли қадамлар Ўзбекистон ўзининг миллий давлатчилигини ривожлантира бориб, маҳдудликка ва ташқи дунёдан яққаланиб қолганига интилаётганини яна бир бор намоён этди. Шу ўринда халқ депутатлари, олимлар таъкидлаётган қуйидаги фикрларга қўйиламан: эски марказ узоқ вақт давомида ўтказиб келган сиёсат иқтисодийимизни издан чиқарди. Нархнавола номунасобликлар юзга келди. Аммо биз марказни Россия билан боғлиқ ҳолда тушунмаслигимиз керак. Республикалар ўртасидаги имзоланган ҳужжатлар ким-кимни қўқабгани ҳақида сафсаталарга чек қўйди.

Х. СУЛТОНОВ,
Пахтакор районидagi «Самарқанд» давлат хўжалиги бригадаси бошлиғи.

ЁМОН КЎЗДАН АСРАСИН

Ўртоқ И. А. Каримов Ўзбекистон Президентини этиб сайланганидан буюн жуда кўп хайрли ишларга қўл уриди. Аммо утасини алоҳида эътироф эътиш жоиз. Яъни Ўзбекистон мустақил республика (давлат) бўлди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Қишлоқ меҳнатқили ерли бўлди. Районимиз фидойилари гоит оғир шароитда меҳнат қилишди. Кетмонни ерга урсанг кунка сапачийди. Гис қатлами деҳқонларни қилиш, яхши ҳосил олишга энг катта тўсиқ. Мутахассислар чўл ўзлаштирилаётганда бу ерларда ҳеч нима битмайди, деа ҳулоса қилишган.

Сўнгги икки йил ичида иродати, эътиқодли кишилар чинакам мўъжиза яратилляпти. Муболага эмас, Президентимиз фармонлари одамлар қалбига илдикли олиб юрди, уларда келажакка

бўлган ишончини мустақамлади. Авваллари пахтадан бошқа нарсани билмасдик. Кимдир унга гинт туширса, ёки машина олса дарров шубҳа остига олинди. Ноҳақлик туфайли ҳаётдан беизан дамларимиз кўп бўлган. Илтифат шарофати туфайли чўла баҳор келди. 700 гектар ер томорқа учун бўлиб берилди. Ўй-жой қурилиши авж олди. Кичик корхоналар бунёд этилди. Давлат хонадон чорвасини ривожлантириш борасида ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқда. Узини оила аъзоларим билан 35 бош қорамол парвариллашган. Хар бирини 500 килограммга етказиб гўшнга топширалимиз. Районимизда барча соҳа бирдек ривожланыпти. Муаммолар, камчиликлар ҳали етарли. Аммо барча келажакка қомил ишонч билан боқмоқда. Эртаги кунимиз қандай бўлиши 29 декабрь куни Президентликка ўтказилди.

ган сайловлар натижаларига кўп ихтилатдан боғлиқ. Бу олий лавозимга фидойи, жонкуяр, журъатли, одил, ҳар қандай шароитда ҳам халқ ишига қийишадиган одам сайланмоғи керак. Ислон Абдуғаниевич ўзининг самарали фаолияти билан эл-юрт ўртасида ҳурмат, катта обрў-эътибор қозонди. Шу боис жойларда бўлиб ўтаётган йилгишлар, митингларда кўпчилик унинг номзодини ёлламакда. Бир нарсани унутмаслигимиз керак: агар ўз қадримизни билмас, мустақил, эмин-эркин яшашни хоҳласак, шу улуг' зот атрофига мустақам бирлашайлик. Президентимизни бўҳтонлардан, бахтимизни кўрломатган галамислардан ҳимоя қилайлик.

У. АБДУКАРИМОВ,
Меҳнатобод районидagi Охунбобоев номи давлат хўжалиги фермери.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг ҳаётбахш фармонлари, қарорлари шарофати туфайли қишлоқ кишилари томорқали бўлишди, уй-жой

қуришларига кенг йўл очилди, фермерлик ҳаракати ривожланмоқда. Хар хонадонга камида юз килограммдан бугдой, чорва моллари учун ем-хашак

тарқатилганлиги миллионлар мушкулунини осон қилди. Қадриятларимиз тикланмоқда. Мусулмон

дунёсига йўл очилди. Шу боис Президентимиз халқимиз ҳурмат-эътиборига, олқишига сазовор бўлди. Каттаю кичик унинг ҳақида дуо айлаб, танлаб

олинган йўлни сабот билан изчил давом эттиришида муваффақият тиламоқда. Юқоридаги сура

ратларда Президент фармонларининг медалари, ҳузурубаш онлари ёрқин акс эттирилган.

29 ДЕКАБРЬ—ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ
ЎТКАЗИШ КУНИ

ЭНГ МУНОСИБ
НОМЗОД

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси ҳужжатларини қизилчи билан ўқиб чиқдим. Бу галгиси жуда самарали бўлди. Бизда «аввало иқтисод, кейин сиёсат» деган тушунча бор. Аммо иқтисодни тўғри тушуниш, бошқариш учун сиёсат, ақл-заковат, маънавият керак. Шу боис жумхуриятимиз раҳбарияти биринчи қадмин халқ қадриятини тиклаш, олдамлар тафаккуридаги қўллик кишинини йўқотиш, уларда ўзларига ишончини мустақамлашдан бошлашди.

Шу мақсад йўлида ошкораликка катта эътибор берилётганини қўлаш керак. Кўп партиялиликка йўл очилди. «Эрк», «Бирлик» расман тан олинди. Уларнинг ойномалари, рўзномалари чоп этилади. Демак, матбуот майдонида ҳам рақобат бошланди. Ҳаммаси яхшиликка, халқ манфаатларига хизмат қилади.

Ҳаёт кечириб оғир кечмоқда. Президент етук, билимдон, тўсиқлардан, зиддиятлардан қўчмайидиган одам бўлиши керак. Ислон Каримовда ана шу фазилатлар мўъжасам. Мустақилликка эришиш, эл манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилиш йўлида озмунча куч-қувват сарфлашга йўқ. Бир нарсига хайрон бўламан: оғзига кучи етмаган, халқ дарадидан узоқ киисалар у бу камчиликларни рўқач қилиб, раҳбарларимизни айбашаяпти. Кеардиди яши юришмаётган экан, бунинг учун Президент айбдор эмас. Лоқайд, ўқувсиз раҳбар ва мутахассислар жавоб беришсин. Халқ депутатлари бурга савдоқатни амалда намойиш этиб, Президентнинг таянч савдоқатни керак. Лекин баъзилар ҳамон минбарлардан туриб катта гапирётган бўлсаларда, амалий ишдан дарак йўқ. Биз — заршунослар халқимизга салодат билан хизмат қилаётган, қасамёдида содиқ қолаётган И. А. Каримовни Президентликка энг муносиб номзод деб биламиз.

М. ҚАРШНЕВ,
Оқолтин районидagi «Фаргона» давлат хўжалиги механизатори.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШГА БАРЧА МАСЪУЛ

Матбуотда Тожикистондаги ўзбек биродарларимиздан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига йўлланган мактубини эътирос билан ўқидим. Ундаги «Биз Сизнинг Ўзбекистон ва Ўзбекистонликлар нуфузини кўтариш, уларнинг бахти-саодати учун ҳамма нарсанига тайёр эканлигини» ишонимиз ва бундан фахрланамиз. Ҳозирги мушкул даврда хар бир эл иқболи учун кўтарган масаланингизни ижобий ҳал этишингизда сизга қувват, матонат тилаймиз. Албатта, Тошкент шаҳри Ўзбекистон жумхурияти пойтахти. Аммо Ўзбекистон жаҳон ўзбекларининг пойтахти ва умидидир. Бунга ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор қилмайди. Шунинг учун Ўзбекистон истиқболи қанчалик порласа, биз ҳам ўз жумхуриятимиз бахти кулгандек қабул қиламиз. Шодликдан

бошимиз осмонга етди». Каби сатрлар қалбимни жунбушта келтирди. Ҳа, мустақил Ўзбекистонда улуг' ишларга қўл урилди. Ётиш йилдан ортиқ вақт мобайнида қўйни пуч ёнғоққа тўлдириб келинган халқ ўзалигини таниди. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз номи, фаолияти билан боғлиқдир.

Қарс икки қўлдан деганларидек, биз ҳам мустақилликни мустақамлаш учун қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз. Қишлоқларда янги илчи ўрилари очилмоқда. Маҳаллий саноатни ривожлантиришда Улътатиносимиз, «Бекобод» давлат хўжалиқларининг тажрибаси қўл келаяпти. Биринчисида иш бошлаган ёрдамчи хўжалик йилига 1,5 миллион сўмдан ортиқ ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарди. Элликдан ортиқ цех, ошхона, новойхоналар халқ та-

лабини қондиришда муҳим омил бўляпти. «Меҳр-шафқат» фондидан унумли фойдаланишдан нафақа олиш ёшига етган, бирок керакли иш стажига эга бўлмаган кишиларга маҳаллий бюджет ҳисобидан пул тўланапти. Хайри ошхоналари очилди. Айрим хўжалиқларнинг эски идоралари «Саломатлик» масканларига айлантирилди.

Мустақилликни мустақамлашнинг ўзи бўлмайди. Шундай аjoyиб Президентимиз, жонкуяр раҳбарларимиз бор, деа қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз керак. Зеро, Президентликка ўтказилган бўлажак сайловлар ҳам катта имтиҳондир. Қанчалик яқдллимиз, маънавиятимиз, мустақиллик савдоқатимиз синовдан ўтади.

Д. ҚИРГИЗОВ,
халқ депутатлари Янги-қўрғон район Кенгаши раиси.

САЛОҲИЯТ

Ҳозирги кунда бошқарув воситалари қўлдан чиқарилигани, мустақам итизом ва тартибнинг йўқлиги, корхоналар, ташкилотлар ва минтақалар ўртасидаги мажбуриятларни бажаришдаги тартибсизликлар халқимизни гоит ташвишлантиряпти. Бир нарсга равшан: тангликдан ҳеч ким яқка-ёлғиз қутула олмайди. Шу боис иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома тузилиб, шу йил 18 октябрда Кремлда имзоланди. Мана шу муҳим ҳужжатга Ўзбекистон манфаати кўнган назаридан ёндашиб, тадаб, тақийф-мулоҳазаларни дангал ўртага ташлашда И. А. Каримовнинг салоҳияти лққол кўча ташланди. Бу нимааларда кўринди? озиқ-овқат ва бошқа молларни етказиб бериш барбод бўлаётган бир шароитда ўз ички бозоримизни ҳимоя қилиш жуда керак. Яъни энг муҳим турдаги маҳсулотларни четга олиб кетиш меъёрини белгилаб қўйиш зарур. Бу қонда шартномага киритилганлиги яхши бўлди. Сабаби у лоақал вақтинча бўлса ҳам

четдан пул ёпирилиб келишини тўхта

тиш имконини беради. Президентимиз Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида сузлаган нуқтада Ново-Огаревода тузилган Иттифок шартномасини жиддий ва тубдан қайта кўриб чиқини зарурлигини алоҳида уқтирди. Жуда тўғри фикр Сабаби шартнома қатнашчилари Иттифокдаги ўз муносабатларини тенглик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида қурадилар, деган қонда янги иттифокни ташкил этишининг асоси бўлиши керак. Аммо у мазкур ҳужжатда акс эттирилмаган. Бу норозлиқ, шубҳа-ғумон муҳитини юзага келтиради. Ана шундай ўта муҳим ҳужжатларга муносабат масаласида Ислон Абдуғаниевичнинг бошқалардан фарқли ўлароқ энг кучли томонлари намоён бўлмоқда. Президентликка бўлажак сайловларда мана шу одил, етук замонавий раҳбар учун овоз беришга қақираман.

А. НОРМУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси Республика Президентлигига умумхалқ сайловини 1991 йил 29 декабрга белгиледи. Шу муносабат билан тахририятимизга хўжаликлар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасаларнинг вакилларидан кўп-лаб хатлар, телеграммалар келмоқда. Уларнинг муаллифлари кўпчилик фикрини ифодалаб, ўз халқи бахт-саодати, осуда ҳаёти, тўкин дастурхони учун жонини тиккан

И. А. Каримов номзодини қизгин қўллаб қувватламоқдалар. Яна бир муҳим томони, Ўзбекистонликлар асрий орзулари — истиқлолга жумхуриятимиз ҳозирги раҳбарияти, Президентимиз Ислон Каримов бошчилигида эришишлар. Кўпчиликнинг ишончи қомил: И. А. Каримов Президент этиб сайлангани бозор муносабати билан юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, халқ мушкулунини осон қилиш, Республика осийишталарини таъминлаш, унинг иқтисодийетини юксалтиришга ижобий татсир ўтказди. Катта имтиҳон—сайловга тай ёрғарлик қизғин бошлаб юборилди.

М. ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

БЕЛАРУСЬ ТУПРОФИДА
ҲАР ЎЛКАНИНГ
ЎЗ ФАЙЗИ БОР

давлата сотилган маҳсулотни
сарф-харажатлар, хўжаликни
қелаётган даромад ҳафта-
сайин аниқ бўлмақда. Мас-
лан, ўтган ҳафта 353 минг
сўмлик маҳсулотни сотилди,
сарф-харажатлар эса 11
минг сўмни ташкил этди.
560 киши меҳнат қилаётган
жамоада бир ойда иш ҳақ
учун 200 минг сўм пу-
тарқатилаяпти. 60 сўм пу-
лов пули ҳам хўжалик ҳис-
собида.

Хўжаликда чорвачилик
маҳсулотлар, дон етишти-
ришнинг катта имконияти
бор, албатта. Бутун ёз да-
вомида 4600 бош қорамол-
нинг аксарияти серут йилов-
ларда боқилди.

Омихта ем сарфи жум-
ҳурийетимиздаги нисбатан
жуذا оз. Озуқа жағмгарини
имкониятлари бой. Сигирла-
ўтлаб юрган айловлардаги
ўтти қуриб, ҳавасингиз не-
лади. Бепоеъ, ғаллалардорди
ишлаётган қомбайнларни
ҳам бизнинг хўжаликлардаги
қаби бир кун ишлаб, икки
кун бекор тураётган техник

на билан қиёслаш инсоф
Хамма ерда бўлганиден
«Правда» жамоа ҳужалигини
да ҳам ишлаб чиқариш
ривожлантириш билан би
қаторда социал масалаларни
ҳалловда алоҳида эътибор
берилмоқда. Сўнги икки
йилда ҳужалигини билан
80 километр йўл ва ферма
лар ҳовлисига асфальт ёт
қизилди. Ҳужаликнинг ас
фальт-бетон заводи ишлайя
ти. Ортиқча асфальт эси
сотилапти. Қишлоқларга 1
километр газ қувури тортил
ган, водопроводлаштирил
ишлари аамалга оширилмоқ
да. 19 та янги уй, қикити
дон омбори, озуқа цехи, уз
тахона қуриляпти. Ҳужа
лик марказига яқин жойда

ра парвариш қилинмоқда. Янги тармоқ биринчи йилги 185 миң сўм сўф фойда келтирди. Еттиштирилган дон ҳосилини ҳам кулай об-хаво шароитида йнгиштириб 25-30 центнердан ортиқроқ дон ҳосил қилиш мумкин. Соғиналган йил қисқисидан жабрланган «ойлада» кўчиб келиши. Хўжаликнинг атрофи ўрмон билан ўралган, бу ерда курилиши билан қилини охириги жумхуриятимиздаги батаи хйла осон бўлса керак, деган фикрда эди. Афсуски, ундай эмас экан.

белбока элчимас, деган
накл бор, — деди Олег Но-
зимирович. — Кейин Ур-
мон халқимизнинг бебаҳо
бойлиги, Ундан ҳужасналар
ча фойдаланиш учун ҳе-
кимга ҳуқуқ берилмаган.
Биласизми, курилишда иш-
латиладиган битта қарағай
роса 150—180 йилда вожа-
етар экан. Бизда бир йилда
бир гектар майдондаги ёғоч
қирққиллидан бўлса, албат-
та, ўн-ўн беш гектар май-
донга ёш ниҳол экилади.
Ҳужалигимизга бир йилда
50 кубметр ёғоч ажратила-
ди, ҳолбуки эҳтиёжimiz 800
кубметр. Ҳўмҳўриятимизда
Иттифоққа танилган трак-
тор заводидан ҳар куни 300
та трактор чиқишига қар-
масдан, ҳужалигимизга бир
йилда битта трактор ажра-
тилади, холос. Жорий йил-
да эса трактор ололмадик,
сут ташиш машинаси ва
битта плуг олдик.

Рас билан хайрашар
эканизми, Арнадий Петрович
йул ёқасидagi ўзи ишлаёт-
ган мактабни кўрсатмоқчи

Ҳамаёқам ҳозир, ҳов
 лида, хидмати худ гуллар
 қўнигини қувватлади. Таъ
 тил пайтада томордада
 боднинг терилиб, тузлаб
 қўйилди. Ҳуқуқчилар му
 нат дафтарчасига эга бў
 либ, таътил даврида бир
 ҳафтадан ишлаб беришар
 экан. Томордада экинлар
 ни бегона ўтдан тозалашни
 бўғзини кошатишди. Суғо
 риниш келганда эса бу то
 мони табиатнинг саховатига
 боғлиқ. Экинлар чанчаб тур
 ганида ёмғир ёғса ба, эр
 таси яна ишгаб ўсаверади.
 Сояларнинг оида Ҳуқуқчилар
 Ҳўжага даласига картошка
 Ҳўжани янги иштироиб олиш
 Ҳўжани ҳам уларни қуруқ қўй
 майд.

таъминлашни яхшилаш ниятида кичик завод қурили-

гушмасдан, хотиржам, яхши кайфият билан яшаб,

моқимзин. Бўдай қорхона
нига тўшадиғи бўлса, бир
килограмм ем 62 тиын
эмас, бизга хийла арзона
тўшиб, қўтисодиёй наф қа-
либ қўлмайди. Завод ку-
рилиб қиммат эмас, бор-йў-
ри 30 миңг суғ маблаг кетади,

Бироваг яхшилик қилсан-
гу унинг хечрасида, ниҳоди-
да ана шу арзimas ха-
ракати нисбатан «рахмат»
туғусиона хис этсанг бундан
ортиқ бахт борми?

Бағдод районидан «Мос-
ква» кишлоқ Советининг
раисаси Холинос Хамра-
лиева янги шудай туғу-
ларга қубзар бўлаётган жон-
қурларнинг бири. У киши-
лар билан яқиндан суҳбат
қилишга, уларнинг ўй-
ташвишга шерик бўлишга қу-
никкан...

СУРАТДА: Х. Хамро-
алиева Улгу Ватан урғуси
қатнашчиси Орфи ота Хуса-
нов ва унинг рақисаси Хо-
линос я хонадониди.

У. ҚУШВОҚОВ олан сурат

АХБОРОТ

ТОТЛИ ВА МАЗАЛИ

Қарши темир йўл вокзали ва кўлхоз бозори яқинида узунлиги ярим метр келадиган чиройли француз батонларини кўтариб кетаётган кишиларни ҳар кун кўриш мумкин. Бундай нонлар «Қаршистрой» мутахассислари бунёд этган «тисси нон» дўконига етилиб, харидорларга сотилмоқда.

«Жуда ширин нон, — дейишмоқда харидорлар. — Афтидан усқуналар ҳам чет элиники бўлса керак». Ҳақиқатдан ҳам шундай. Печлар, ун қоридиган қурилмалар ва бошқа механизмлар Германиянинг «Винклер» фирмасида тайёрланган. Улар бир сменада уч тонна нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Уни қуриш учун шаҳар 2,3 миллион сўм сарфлади. Лекин ачинишгаётгани йўқ — чунки шаҳарликларни нон билан таъминлаш анча яхшиланди. Дарвоқе, Қаршидаги аҳоли зич жойлашган мазеларнинг бирди қарийб бир йилдан бери худди шундай дўкон-новвойхона ишлаб турибди. Яқинда шаҳарнинг эски қисмида ҳам учинчи дўкон пайдо бўлади.

УН ҚУРUVЧИЛАРГА ЕРДАМ

«Андижон 50 йиллиги» совхозининг янги цехида ҳар кун чиқарилаётган хом гиштдан иккита катта уй қуриш мумкин. Бу ерда уй қураётган кишилар уни тез олиб кетишмоқда, чунки сифати яхши, нархи ҳам унча қиммат эмас.

Марҳамат районидagi қўшни Илчиқ номи ва «Пахтакор» кўлхозлари ҳам бир кеча-кундузда 25 минг дона гишт ишлаб чиқарадиган цех қуриб олдилар.

ҚАНДОЛАТЧИ УЧУН

Бзёвон районда шакар заводи қурилиши тўғрисида хабар бердик. Уни шахсий ердамчи хўжаликлар Фарғона вилоят уюшмаси ҳузурида ташкил этилган кичик корхона бунёд этмоқда. Янги корхона йилга 80 тоннагача шинни ишлаб чиқаради. Улардан уюшманинг кичик корхоналари қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланади.

Заводни хом-ашё билан таъминлаш мақсадида унинг яқинида қанд лавлати ва шакарнамиз этиштириладиган экинзорлар пайдо бўлди.

ФИРМА ДЎКОНИ

Қарши шаҳрининг марказий бозорига Қашқадарь балиқ хўжалигининг фирма дўкони очилди. Энди бу корхона тирик балиқни қаерда сотсам экан дея овоза бўлиб юрмайди.

Хўжалик келаси йили балиқ этиштиришни анча бўллайтирди. Бу ерда бешта кўл янгилади, ҳавзалар кенгрок ва тозақор бўлиб қолди. Бундан ташқари балиқ чавақларини мустақил равишда олиш ва парвартиш имконияти пайдо бўлди. Илгари уларни бошқа минтақалардан сотиб олишарди. Энди эса бунинг акси бўлади — Қашқадарь балиқчилари Сурхондарь, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг турдош корхоналарига балиқ чавақларини ўзлари етказиб берадилар.



47-ТИРАЖ НАТИЖАЛАРИ

«Спортлото 45 дан 6»: 9, 22, 24, 27, 33, 34.
«Спортлото 36 дан 5»: 4, 16, 28, 29, 34.

«СХ-4» СУПЕРТИРАЖИ НАТИЖАЛАРИ

«Спортлото 45 дан 6»: 4, 9, 12, 19, 23, 28.
«Спортлото 36 дан 5»: 9, 15, 27, 28, 36.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ТОМЧИ КУЧИ


Сув юзасига келиб тушадиган ёмғир томчилари товушига қараб об-ҳавога оид аниқ кузатишлар қилиш мумкин. Канадалик обн-ҳавошунослар ана шундай ҳулосага келишди. Ванкувердаги Ковичан кўли тўбига ўрнатилган микрофонлар ёрдамида тадқиқотчилар сув юзасига ёмғир, қор ва дўл урилишини тинглаб кўришди.

Маълум бўлишича, шу тариқа шамолининг тезлиги ва зарралари ҳажми тўғрисида ҳулоса чиқариш ва об-ҳаво ширин олдидан айтиб беришга аниқлик киратиш мумкин экан.

ҚОҒОЗ ЯХШИРОҚ

Тадқиқотлар дисплей экранидagi матний ўқиш қийин эканлигини тасдиқлади. Оқимлар бу оддий қоғоз матнга нисбатан 20—30 фоиз қийин эканлигини аниқлашди. Ундаги хатоларни пайқаш ҳам мушкул эканлиги маълум бўлди. Бинобарин, «қоғозсиз ахборот»га ўтиш ҳақидаги таҳминлар хомроқда ўхшайди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, ҚУШЛОҚ ОВОШЧВИНПРОМ, КОН. ПЕРНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ, ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.



Бухоро районидagi «Бухоро» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Қалдирғоч» болалар бoғчаси жамоаларининг севимли маскани. Бу ерда меҳнатқашарнинг 140 нафар фарзандлари тарбияланмоқда. Жамоаларнинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом ўсишлари учун бу ерда барча

шарт-шаронтлар яратилган. Меҳрибон тарбиячилар ҳаммаша болалар атрофида парона.

СУРАТДА: тарбиячи Дилором Қадҳорова кичкинтойлар билан ўйин майдончасида. Х. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Замон, инсон ва имон

Мустақиллик шарофати билан босқинчи, жаллод деб ёмон отили қилинган Амир Темур, «Ислом динининг тарғиботчилари» Хожа Аҳмад, Аҳмад Яссавий каби буюк алломалар сафимизга қайтарилиб, «Таржимаи ҳол», «Қаромат соҳиб Хожа Аҳмад», «Хикматлар» каби туганмас ноёб хазиналар кутубхоналаримиздан муносиб ўрин эгаллади. Халққа миллий тарбия берадиган «Ҳадис», «Ислом

Учрашув кечаларида, тарбиявий соатларда қарияларимизга илтифот қўриштириб, бошдан ўтказган яхши-ёмон кунларини, тикланиш йилларидаги қийинчиликлар, яшаш учун қурашганликларини билиб олишимиз фойдалан холи эмас. Қолаверса, улардан олқиш ва оқ фотиҳа олишнинг дастурга айлантирсан ёмон бўлмайди. Ўрта қуруқ сўздан бир марта кўриб, эшитган фойдали.

ларни бола онгига сингдира боришимиз шарт. Бунинг учун биз, катталар ҳам боланинг олдида ибратли, билимдон, маданиятли бўлмоғимиз керак.

Илгари замонларда тарбаррук одамларнинг сўзларини эшитиш, азизлар суҳбатига етишнинг бахт ва шараф ҳисобланарди. Навоий ёзади:

Ҳар кимки чўчук сўз элга низоҳ айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур, ёр айлар.
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшoғи кўнглиларни гирифтор айлар.

Расули ақрам Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларида айтилганидек «Кичкиннинг гузаллиги — унинг тилидан билнур».

Имом Исмоил ал-Бухорий «Одоб дурдоналари»да бундай ҳадиси шариф келтиради: «Абдуллоҳ ибн Умар бир яманини одамнинг ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани тавоф қилдириб юрманини кўрибди. У одам қўйидаги байтни оҳанг билан ўқирди.

Онаизорим учун бўйнимни этган теваман.
Тевага минган онам хорсалар ҳам мен тарчамам.

Қадимгилар онангн етти марта Манкага опичлаб олиб борсанг ҳам она қаридан қутулмайсан, деб фарзандлари қўлогига қўйиб турар эдилар. Ҳозир-чи? Куч-қувватдан қолган ота-онасининг ҳолидан хабар олмайдиган тошбағир, бемеҳр ўғил-қизларнинг кўпайиб кетишига сабаб нима? Бундай касофатнинг айбодори ким? Менмча, бунга узоқ йиллар давомида одамнинг ҳуқуқини поймол этиб, кундалик тирикчилигининг қўлига айлантирган, халқнинг урф-одати, расму русумини унутдирган саёбат айбодордир.

Ота-боболаримиз киндик қони, манглай тери томган ерни, элли эъозлаш бурч эканлигини таъкидлаб келганлар. Хўш, биз киндик қонимиз, манглай теримиз томган ерни, элли ардоқлаш у ёнда турсин ота-боболаримиз руҳи ётган мазорларнинг бошига бормадик. Яқин-яқинларда ҳам айрим раҳбарларимиз табаррук ота-онаси вафот этганларида кишилар билан бир сафда туриб масчитга бормаганлар. Жаноза ва маросимларга қатнашган олим ва раҳбарларнинг диндорликда айбонлиб ишдан ҳайдалганини ҳам биламиз. Мана айб қаерда! Келинлар, яхшиси ёшларга имон-этиқоддан сабоқ берайлик. Бу бизнинг бурчимиз!

Қ. ТУЛАБОВ,
Ўқитувчи.



Сизга ёғоч-тахта зарурми?

Балки металл керакдир?

Ёқилғи, дон, ғазлама

харид қилмоқчидирсиз?

Сизда пахтани қайта

ишлашда ҳосил бўладиган

маҳсулотлар борми?

Агар шундай хом ашё

бўлса, ишбилармонлар

учрашувига таклиф

этамиз.

МОСКВА МОЛ БИРЖАСИ



«ЎЗБЕКИСТОН» КУП ТАРМОҚЛИ АГРО-САНОАТ РЕСПУБЛИКА БИРЖАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА 4—6 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИДА МОСКВА МОЛ БИРЖАСИДА

ПАХТА ТОЛАСИ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИНИ УТКАЗАДИ.

МОСКВА МОЛ БИРЖАСИДА
ПАХТАДАН ОЛИНАДИГАН
МАҲСУЛОТЛАР БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ
ОЛДИ-СОТДИ 19 ДЕКАБРДА
ЎТКАЗИЛАДИ

Ишбилармонлар учрашувига пахта етиштирувчи, тола ва бошқа маҳсулотлар олувчи ҳамда уларнинг савдо-сотиғи билан шуғулланувчи хўжаликлар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари таклиф этилади.

Учрашувда биржа савдоси, Москва мол биржаси ва «Ўзбекистон» биржасининг етакчи мутахассислари иштирок этадилар.

Учрашув қатнашчилари Москва мол биржаси фаолияти билан танишадилар. Сиз

Москва мол биржасида пахта толасини сотиш фақат манфаатли ва фойдали эканлиги билан бирга унинг ўрнига ўзингиз учун зарур бўлган ҳар қандай маҳсулотларни сотиб олиш имконияти борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Учрашув иштирокчиларининг яхши кутиб олиниши, меҳмонхонадан жой ажратилиши ва шериклар билан самарали амалий алоқалар боғлаши учун зарур шарт-шароит яратилади.

Манзилгоҳимиз: 129223, Москва, Мир проспекти, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўр-

газмаси 4-павильон, Москва мол биржаси, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бошқармаси.

Алоқа боғлаш учун телефонлар: 188-75-74, 187-93-32.

Ишбилармонлар учрашувига қатнашиш учун буюртмалар 1991 йил 30 ноябрга қадар қабул қилинади.



Мухаррир Н. ЕҚУБОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-54-44, 33-16-27, 32-54-42. Мазсўл котиб — 33-09-93,

32-56-26. Мазсўл котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-54-48. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиш бўлими—32-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33, 32-56-37. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54, 32-56-37. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бозорчи бўлими — 32-58-79. Ёшлар бўлими — 33-81-42.